



# ТОШКЕНТ ХАЖУЖАТИ

РУЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 150 (10.146) • 1991 йил 6 август • сешанба • Баҳоси 8 тийин.

## ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАШГА ТАЙЁР

СССР Президентини М. С. Горбачевнинг телевидение орқали сўзлаган нутқи

Хурматли ўртоқлар! Менинг сизлар ҳузурингиздаги бугунги нутқим мамлакат турмушидаги муҳим воқеага бағишланган.

Шундай қилиб, биз кўп миллатли давлатимизни тенг ҳуқуқли совет суверен республикаларининг демократик федерациясига айлантиришни ҳал қилувчи босқичга кираёلمиз.

Мана шу масалалар устида, бутун диққат-эътиборни бериб, зўр масъулият билан меҳнат қилишга тўғри келди.

Республикалар умумий манфаатлари кўзлаб Иттифоқ идоралари зиммасига давлат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш каби муҳим вазифаларни юкламоқда.

Мана шундай бозор бўлма, бозорнинг асосий субъектлари — корхоналар, меҳнат жамоаларининг имкониятлари кўзда тутилган.

Аммо бу иллат ҳали бартараф этилгани йўқ, у ҳали ҳам бор. Шу боисдан ҳам бизга умумий жушқин бозор керак, барча халқларга, республикаларга, корхоналарга ҳам шундай бозор керак.

Хуллас, шартнома жамоат ва давлат турмушининг барча соҳаларида яхшилик сари чуқур ўзгаришлар қилиш учун шартшароит яратди ва унинг ижобий таъсири яқин вақтлардаёқ намоён бўла бошлайди.

Биз бутун мамлакатга керакли ислохотлар йўлга қўйдик. Янги Иттифоқ шартномаси эса тангликни теъор қилган бартараф этишга, турмушни янги изга солиб кўришга ёрдам бериши.

### Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

### АҲОЛИГА МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ВА ХИЗМАТ ҚИЛИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Вазирлар Маҳкамаси билан суверен республикаларнинг ҳукуматларининг бозор муносабатларига ўтиш шартинда мамлакат иқтисодининг тангликдан чиқариб олиш соҳасида дастурга мувофиқ аҳолига истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат қилишни кўпайтириш мақсадида қарор қилинади.

1. Республикаларнинг ҳукуматлари, СССР вазирликлари ва идоралари озиқ-овқат, дорин-дармон, енгил санаят маҳсулотлари, маданий-маиший ва рўзғор моллари, шу жумладан бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган ҳамда аҳолига хизмат қилувчи корхоналарнинг бир маромда ишлашини йўлга қўйиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўрсинлар.

2. Белгилаб қўйилсинки, корхона ва ташкилотлар 1991—1992 йилларда хўжалик шартномаларини тузиш ва бажариш вақтида ишлаб чиқариш-техника мақсадларига мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш учун моддий ресурслар етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятлар бажаришга қўйилган ёки бажарилмаганлигини ҳисобга олиш зарур ҳолда, материал ва бутлаш буюмлари харид қилишга ҳамда уларнинг етказиб берилиши ҳақида тўлашга усту даражада сарфланганини таъминласинлар.

3. Иттифоқ-республика валюта комитети, СССР Иқтисодий ва истиқболни аниқлаш вазирлиги, СССР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги СССР ташқи иқтисодий фаолият Банки билан биргаликда бу йил тушадиган валюта маблағлар, шу жумладан олинган қаралар чет эллардан дон, дорин-дармон, шунингдек аҳолига маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур ҳолда, материал ва бутлаш буюмлари харид қилишга ҳамда уларнинг етказиб берилиши ҳақида тўлашга усту даражада сарфланганини таъминласинлар.

4. Иттифоқ-республика валюта комитети бир ҳафта мuddатда СССР Вазирлар Маҳкамаси билан суверен республикалар ҳукуматлари биргаликдаги ҳаракат дастурини кўзда тутилган ташқи иқтисодий алоқаларни нормалаш ва лицензиялаш тартибини амалда қўллаш учун шартшароитни таъминласин.

5. СССР Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 1 августга халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат, дорин-дармон ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун машина-ускуналарни чет эллардан сотиб олиш учун енгил шартшароитни ҳамда зев-зийнат буюмлари ва оммавий равишда истеъмол қилишга мўлжалланган бошқа моллар келтирилишини чеклашнинг жорий қилинишини назорат қилишни йўлга қўйиш тартибни тўғрисида, шунингдек, тузилган шартномаларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги еки чала бажариллиги учун томонларнинг ўзаро иқтисодий масъулиятини чоралари ҳақида бир ой мuddатда ҳаллиб олинган тақдирда, Федерация Кенгашининг муқоамасига тақдим этисинлар.

6. Белгилаб қўйилсинки, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун ҳам, материал, бутлаш буюмлари ҳамда уларни тайёрлаш учун машина-ускуналар етказиб берилишини кўпайтиришни таъминлайдиган корхона ва ташкилотлар 1991 йил 1 июлдан бошлаб СССР Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берган тартибда истеъмол учун ишлаб чиқариш маблағларининг базавий миқдорини кўпайтиришлари мумкин.

7. СССР Вазирлар Маҳкамаси, республикаларнинг ҳукуматлари республикалар озиқ-овқат, кўпалаб қилинадиган тайёр маҳсулотлар, уларни ишлаб чиқариш учун ҳам, материаллар ва бутлаш буюмларини етказиб бериш шартномалари ҳамда давлат эҳтиёжлари учун уларни етказиб бериш мажбуриятларини қандай бажарилаётганини назорат қилишни йўлга қўйиш тартибни тўғрисида, шунингдек, тузилган шартномаларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги еки чала бажариллиги учун томонларнинг ўзаро иқтисодий масъулиятини чоралари ҳақида бир ой мuddатда ҳаллиб олинган тақдирда, Федерация Кенгашининг муқоамасига тақдим этисинлар.

### АНЪАНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

5 АВГУСТ кунини вилоятимизга ўзаро тақрибга алмашиш мақсадида жиззахлик бир гуруҳ пахтакорлар, дехқонлар, қишлоқ хўжалиги соҳасининг мутахассислари келишди. Уларга Жиззах вилояти янги жиззах комитетининг раиси Уктам Олимов бошчилик қилмоқда.

Мехмонларни Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котоби, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси С. Д. Сайдалиев бошчилигидаги ноҳия партия комитетларининг биринчи котоблари, ижроия комитет раислари кутиб олдилар.

Жиззах вилоятининг 11 та ноҳиясидан келган ўзаро тақрибга алмашиш гуруҳи аъзолари ўша кунини Тошкент вилоятининг 15 та ноҳиясидан бўлдилар.

«Оқбулоқ» шўро хўжалиги директорининг ўринбосари Пирназар Шерназаров, — ишнинг оқилона ташкил этилганлиги бўлди. Ҳар ким ўз ўрнида меҳнат қилапти. Мен ишлаётган давлат хўжалигида бу йил пахта билан биргаликда буғдой, сабаоват, полза сингари экин турлари парвариш қилинди.

Шу кунини ўзаро тақрибга алмашиш гуруҳи аъзолари ноҳияларнинг Свердлов, Киров, Динитров жамоа хўжалиқлари, «Ўзбекистон ССР беш йиллик» давлат хўжалиги далаларида бўлдилар. Анъанага айланган бу тадбирнинг самарали бўлиши таъйиндир.

Сўрашди: жиззахлик пахтакорлар Ғалаба районидаги «Коммунизм» шўро хўжалиги далаларида гуза ривожини кўздан кечиришмоқда.

Суратда: жиззахлик пахтакорлар Ғалаба районидаги «Коммунизм» шўро хўжалиги далаларида гуза ривожини кўздан кечиришмоқда.

Дам олишга жўнаб кетди  
СССР Президенти М. С. Горбачев дам олиш учун 4 август кунини Крымга жўнаб кетди. (ТАСС).

БЕКОБОД ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ  
Бекобод шаҳар партия комитети пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташқилик масала кўриб чиқилди. Илгарги Ўзбекистон ССР Саноат қурилиш материаллари вазирлигининг ўринбосари бўлиб ишлаган А. С. Ибобов шаҳар партия комитетининг биринчи котоби этиб сайланди.



СУРАТДА: жиззахлик пахтакорлар Ғалаба районидаги «Коммунизм» шўро хўжалиги далаларида гуза ривожини кўздан кечиришмоқда. Суратқаш А. ТУРАЕВ.

• Вилоят хотин-қизлар конференцияси олдидан •

# ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДАГИ** иқтисодий мураккабликлар, бозор иқтисодиётига ўтиш аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, айниқса, хотин-қизлар ҳаёти ва турмушига оид муаммоларни янада ўткирлаштириб юборди. Шундай оғир пайтда вилоятимизда хотин-қизларга иштиёқли равишда, уларнинг турмушларини яхшилаш борасида бир қатор хайри иншлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча вилоят партия комитетида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам энг долзарб мавзу — бугунги кундаги хотин-қизлар муаммолари, уларнинг ҳал этиш масалаларига бағишланди. Унда вилоятимиз шаҳар ва район партия комитетлари котиблари, хотин-қизлар кенгашлари раёсатлари, олимавлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш инспекторлари иштирок этишди.



Шунингдек, дастурда хотин-қизлар кенгаши мақоми, унинг вазифалари кўрсатилиши, моддий базаси ҳақида ҳам ўйлаб кўриш урдуш ва унда бугунги кундаги фикрлар биз учун гоят қimmatлидир.



**Г. МИРАЗИМОВА,** вилоят хотин-қизлар комитети раёси.

Вилоят аёлларнинг оғирини енгиб қилиш, улар дардида шерик бўлишдек масъулиятли вазифани хотин-қизлар комитети раёси ёки бир неча аъзоси бажариши мумкин эмас. Бизга кенг жамоатчиликнинг яқиндан ёрдами, мадади керак. Энг муҳими, хотин-қизларнинг ўзлари ташаббус кўрсатишлари зарур.

Вилоят хотин-қизлар конференциясининг август ойининг охирида ўтказишини мўжжазлашмиш. Ҳозирда бутун эътиборни ана

шу анжуманнинг муваффақиятли ўтишига қаратганмиш. Комитетимиз аёллар ҳаёти ва турмушини яхшилашга доир аниқ чора-тадбирлар белгилаган дастур устида иш олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бугунги урдуш ва унда бугунги кундаги фикрлар биз учун гоят қimmatлидир.

**О. ПЕТРЕНКО,** Чирчиқ шаҳар партия комитети котибаси.

Бугунги кунда Чирчиқ шаҳрида меҳнат билан банд аҳолининг 60 фоиздан кўпини аёллар ташкил этади. Менинг тақлимим — хотин-қизлар комитети энг биринчи гада аёл муҳофазасини қонулаштирсин. Аёл меҳнатини енгилаштириш, улар учун қисқартирилган иш кунлари жорий этиш ҳақида кўп гапирмиш, лекин булар қонулаштирилмас экан, қуруқ гап бўлиб қолаверади. Шу ўринда касбларни фақат аёлларга ҳақ тўрларга ажратишни тақлим отаман. Уларнинг ўзларига номуносиб касбларда (туғи сменалар, оғир шароитли ишлар ва ҳақозорларда) ишлашларини қонуни йўли билан таъқиқлаш зарур. Чунки келажак авлоднинг соғломлиги она саломатлигига боғлиқлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.



**Л. БЕКНУЗОВА,** вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудири.

Ҳақиқатан бозор иқтисодиёти аёл зиммасига кўп муаммоларни юкляди. Лекин уларга бир қатор иштиёқли ҳам яратилмоқда. Хусусан, камқон ҳомилдор аёлларга ва кам даромадли оилаларга ойнага 60 сўмлик зарур озик-овқат маҳсулотлари берилади. Лекин маълумки бозор иқтисодиётига ўтиш муносабатлари билан аҳолига турли тўловлар тўлаятили, маошлар ошди. Йиллари даромад оилага жон бошига 70 сўмдан тўғри келмади, бу оила кам даромадли ҳисобланиб, уларга ойнага 60 сўмдан бепул озик-овқат маҳсулотлари учун талон

ана шундай туйғуларни шакллантиришимиз, Аёл — меҳрибон она, садоқатли рафиқа, меҳрибон сингли, азиз қизимиз эканлигини унутмаслик керак.

Ҳозир республикамизда йилнинг энг иссиқ даври — саратон. Мен шундай кунларда, ҳатто нафас олиш қийин бир пайтда қуёш тиғи остида меҳнат қилаётган дала меҳнатқашлари меҳнати нақадар оғирлигини жуда яхши биламан. Уларнинг аксарияти эса хотин-қизлар. Улар учун иш кунини ҳам чегараланмаган. Шундай экан, энг биринчи гада ана шундай жафоқаш аёллар оғирини енгиб қилиш, қисқичлаштираётгани учун қўшимча ҳақ тўлашни йўлга қўйиш лозим. Биз раҳбар аёлларимизни ҳам унутиб қўйдик, улардан фақат иш, режа талаб қилдик. Шахсий ҳаётига эса қизимизимиз. Уларнинг эса ўз муаммоларига билан шуғулланишлари ва вақтлари йўқ. Аёлга эътибор у раҳбарим, оддий ишчимни бирдек бўлиши зарур.

Мени бир масала ўйлантирди. Нима учун аксарият раҳбарлик лавозимларини, ҳатто аёллар масалаларини ҳал қилдирилган постларни ҳам арқаю арқаю эгаллашган? Қолхоз-совхозларга борсангиз,



**М. ХУЗАЕВА,** Ўрта Чирчиқ район хотин-қизлар комитети раёси.

Давра суҳбатда вилоят партия комитети котиби Ш. И. Жалилов, вилоят ижроия қўмитаси раёсининг муовини Х. Ҳамидов қатнашдилар.

3. ЖУРАЕВА.

раис, директордан тортиб, идорада ишловчиларнинг деярли бари — эрикак. Даладагиларнинг 80 фоизи эса хотин-қизлар. Мисол учун, бизнинг районда 13 та қолхоз бўлса, шулардан аттиги биттасигагина аёл киши раҳбарлик қилмоқда. Тиббий, майнинг хизмат, савдо — буларнинг бариди эрикаклар. Ана шунда аёлларнинг кимга айтиди? Шу боис ҳам улар хотин-қизлар кенгашларига келишади. Хотин-қизлар кенгашлари бари жамоатчилик асосида ишлайди, шу билан бирга ҳар бир шаҳар ва район ижроия комитетларида оналик ва болаликни муҳофаза этувчи инспекторлар ишлаб турибди. Улар хотин-қизлар кенгаши билан биргаликда иш олиб боришга аниқ бўладилар.

Ҳозир ойда пудрати ҳақида, бу ерда ҳомилдор аёл ҳам, ёш бола ҳам ишлайётгани ҳақида гап бўлади. Албатта, қишлоқ аёли ўзи ҳам ишлайди, боласини ҳам ишлатишга мажбур. Негаки оилага пул керак. Агар қишлоқ хотин-қизлари ўзларига мос иш билан таъминлансалар, уларни оғир меҳнатдан халос қилган бўларди.

# ИШ БОР. АММО ИШСИЗЛАР КАМАЙМАПТИ

Республикадаги кўпгина саноат корхоналари кўп жиҳатдан ишчи кучи етишмаслиги сабабли синиш арафасида турган бир пайтда қўйидаги рақамлар гапироқ эшитилди: 1991 йил 1 январгача район, шаҳар ишчи жойлаштириш марказларида 524 миң ишсиз ёки «ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кура иш билан таъминланмаган ва иш ҳақи олмайдиган меҳнатга лаёқатли фуқаролар...» рўйхати олинган. Январ-июнь ойларида эса ўша идораларга яна 370 миңдан ортиқ одам мурожаат қилган. Шундан ҳозиргача... 90 миңдан сал кўпроқ одам ишга жойлаштирилган. Қолганлари ишсизлар маъносидадир.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ишлаб турган ишга жойлаштириш марказлари ва иш билан таъминлаш хизматлари меҳнат биржасига (бозорига) айлантирилди. Ўзбекистонда ҳозир 156 та меҳнат бозори бор. Яна 27 та ана шундай бўлима очиб режалаштирилмоқда. Республикада меҳнат бозори вужудга келди, дейиш мумкинми, бу лавҳаларни одатдагидек алмаштириш эҳтимоли, бу хусусда шу соҳа билдимдорларининг фикри қандай?

Ана шуларни тушутириб беришни сўраб, Аҳоли ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касб ташлаш республика маркази бўлим бошлиғи Р. Абдулаевага мурожаат қилдик.

Бундай бозорни ташкил этиш тўғрисида гапиринишга ҳали вақт эри, деди у, «Иш билан таъминлаш» дастурини янги иш жойларини барпо этиш кўзда тутилган. Меҳнатнинг турли шакллари янги иш жойи ҳисобига бир ярим йил ичида 128 миңта иш жойи барпо этилди. Булар кооперативлар, кичик корхоналар, касаччилик ишлари, шаҳар ва район саноат комбинатлари тармоғи ривожланмоқда. Бу соҳада Хоразм вилояти ишга жойлаштириш идораларининг иш тақрибиси диққатга сазовордир. Бу ерда ўтган йилдан бошлаб янги иш жойларини аниқ ҳисобга олиб бориш ташкил этилган. Бу ўринларга одамларнинг қабул қилиш мунтазам назорат қилиб борилади. Меҳнат бозорларини компьютерлаш уларнинг ишини анча енгилаштиради.

Мамлакат бошқа минтақаларидаги саноат корхоналарининг бўлимлари ва цехларини очиб бу ерда кенг тус олди. Масалан, Шовот районидagi «Коммунизм» жамоа хўжалигида Орлов тикувчилик фабрикасининг инкита филиали очилгани тақчил маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан ташқари икки юздан кўп одами иш билан таъминланди. Бу ерда тикувчилик ва тўқувчилик цехлари ишлайпти. Навбат йнгирув цеҳига келди, бу эса яна 500 кишини иш билан таъминлашга имкон беради. Бундай ҳамкорликдан ҳар икки томон манфаатдор. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бозор муносабатларига ўтиш билан корхоналар ва ташкилотлар туғатиши ва қайта ташкил этилиши натижада иш жойлари қисқарган кишилар ишсизларнинг ачагини унутмаслик керак.

Аммо бу муаммо ҳам четда қолмаган. Ҳисоблар шуну кўрсатмоқдаки сўнгги ярим йил ичида беш миңгата янги одам ишдан бўштирилди. Шуларнинг 38 фоизи — инженер-техник ходимлар, 35 фоизи — хизматчилар. Салкам 7 фоизи эса ишчилардир. 20 фоиздан кўпроғи касб малакаларига эга бўлмаган одамлардир. Келтирилган рақамлардан ишдан бўшганларнинг асосий тоифаси ижтимоий жиҳатдан кам ҳимояланган одамлар эканлиги кўриниб турибди. Улар асосан 16 ёшдан 20 ёшгача бўлган ёшлар, ёш бола аёллардир. Уқув юртиларида ходимларни тайёрлаш бўлиши, мактабларда касб ташлаш ишларининг яхши эмаслиги, ишга жойлаштириш идораларида бериладиган маълумотларнинг етарли эмаслиги ҳам таъсир қилмоқда. Масалан, бу йил ўрта мактабларини 125,6 миң йиткичи битирган бўлса, шундан 65,5 миң киши иш билан таъминланмади, яъни ўрта мактабларини битирганларнинг ярми иш билан таъминланмади қолди. Ёғни таътиллар даврида ишлашни хоҳлайдиганлар нима қилишлари керак? Ахир улар учун 6 миңдан сал кўпроқ иш жойи ажратилган, холос...

Шуниси ажабланарлики, иш жойлари бўш турганига қарамай, меҳнат бозори ҳақида ҳам уларни тўлдира олмайди. Малакали одами ишдан кетди, дейлик. Унинг ўрнини босадиган муносиб одами бирдангина топиш қийин. Бунинг учун вақт ҳеч бўлмаганда ўқитиш даврида стипендия тўлаш учун маблағ, яхши ўқув базаси зарур. Аммо ҳозирча бундай имкониятлар йўқ.

Тўғри, республикада ишсизлик мавжуд, унинг кўламлари ташвишга солмоқда. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамаси ва Тегислик идоралар ижтимоий кескинлигини намойиштириш юзасидан қўраётган чора-тадбирлар ўз самараларини бера болади. Лекин қилинадиган ишлар жуда кўп. Меҳнат бозори бозорини ташкил этишда таъсирчан воситага айланиши учун ҳали кўп иш қилиш керак. Биринчи навбатда таълим беришни ўзгарувчан тузилмаларини ташкил этишга маблағ ажратиш зарур. Ана шундангина қисқа муддатда ходимларни тайёрлаш, корхоналарда ва ташкилотларда бўш иш жойларини тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот банкни барпо этиш мумкин бўлади. Мураккаб вазифалар турриди, уларни ҳал этмай туриб муваффақиятга умид боғлаб бўлмайди.

# Ё Н Ё Қ З О Р

Насл-насабингиз қардан, деган саволга Мўмин Шерқулов жиддий қўйишга, ҳатто тантанавор тарзда: «Мадриддан» деди. Суҳбатдоши ажаблини қараса, таъбасум билан унинг «Испанияга ҳеч қандай алоқадор эмаслигини, Самарқанд яқиндаги қишлоқлардан бири шундай номланишини айтди.

Ташкентда эканлигимдаёқ қайта кўришимиз «Тўғулқуларидан» ўтган Шерқулов яқинда ташкил этилган Тойлоқ ижроия қўмитаси раёси бўлиганидан хабар топдим. Уни аввалгидек қиёфада, ҳатто бирмунча яшарган тарзда кўриб астойдил кўрдим.

Районимиз эндигина тузилди, — деди у. — Муаммолар қалашиб ётибди. Кадрлар етишмайди. Айтайлик, коммунал хўжалик идорасига ким етакчилик қилиши ёки савдо-сотиққа ким масъул бўлиши бизга бади-бир эмас... Муттаҳамлар, давлат мулкига кўз олайтирувчилар илгари ҳам етиборларди. Ҳозир уларнинг уруғи янада кўпайиб кетди.

Янги лавозимда иш бошлаганидан буён ўтган ойлар ичида у анча нарсани қилишга улгурди. Раёсининг режасига биноан ташлашнинг ерларда ёнқозор бўлиб этилди. Ҳамфиқрлари билан биргаликда у қишлоқларнинг ободонлаштиришга қатъий киришди ва янги вақт ишга киришди. Янги йилнинг янги йилининг қишлоқларини ишчиларнинг ичмилари ва оқар сув билан таъминлашга қарор қилишди. Айтиш кераки, олдинси қишлоқ ишга киришди. Ишчи бўлиб ўтиришга қарор қилишди. Янги йилнинг янги йилининг қишлоқларини ишчиларнинг ичмилари ва оқар сув билан таъминлашга қарор қилишди. Айтиш кераки, олдинси қишлоқ ишга киришди. Ишчи бўлиб ўтиришга қарор қилишди.

сўмга етди. Бу маблағ асосан қишлоқларнинг ижтимоий аҳолини яхшилашга, ободонлаштиришга сарфланди. Лекин маълум бўлишича, гап районга тегишли эмас экан.

Ҳисобот бераётган, Шерқулов залга нигоҳ ташлади ва ўтирганларни танимай қолди. Ҳолбуки, уларнинг кўпчилиги бир-икки ой аввал унга таъбасум билан боғлиқ, муваффақият билан кутлаган, бошқа раҳбарларга уни яратиб қилиб қўрсатишган. Ҳозир эса қиёфада унинг тош қотган. Чимчилар қарашлардан у эътибор ҳуқуқини унинг пайнади. Аммо сабабини дарҳол айтмай олмайди. Районда бир ҳафта таъин қўйилган Марказий Кўмита комиссияси ҳеч қандай камчилик топа олмайди. Жумҳуриятнинг баш мафкурачиси, Марказий Кўмита котиби Р. Абдулаева лўжма ташлаганидан кейинги на кўп нарсани айтишди.

Шерқулов нафақат мактаблар ва болалар бозорлари, балки мактаблар ҳам қурулмоқда, қабристонга тўлзорлар бунёд этмоқда, —

## Инсон ва унинг ишлари

деди у кино билан. — Эҳтимол ҳадемай марҳумлар руҳига дуо ўқиб, сингирини ҳам бошлаб юборару?..

Райком котиби яқинда ўзи раҳбарлик қилган «Борн» қўмитаси давлат хўжалиги кесалари ярим йил бурун қишлоқ қабристонини ободонлаштириш ва мактинги таъминлаш юзасидан илтимос билан ҳузурга келишганини эслади. Оқсоқоллар унга эътибор таъмин қилишди, уларнинг ҳорғин нигоҳларига қараб туриб илтимосларини рад этишга маънавий ҳуқуқи йўқлигини айтди.

Яна бир воқеа ёнига тушди. Жумҳурият прокуратурасининг маъсул ходимларидан бири ҳузурга кириб, қариндошини катта ҳақ тўлаётгани лавозимга ишга жойлаштиришни илтимос қилди. Котиб рад этиди, ҳалиги киши эса ўзини тўлмай унга дўқ-пўписа қилди.

Кўп ўтмай район партия қўмитаси пленумида Шерқуловни вазифасидан озод қилишди. Икки ой ишсиз юрди. Шундан сўнг «Партия XXV съезди» номи билан давлат хўжалиги-заводига директор қилиб юборилди. Бу ерда у иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада оқсётган нутқларини тез орада айтилади. Унга хос гапиратиш тийиқ билан камчиликларни туғатишга киришган пайтда Ташкентдан яна фармойиш келди: дарҳол ишдан бўшатилин! Шерқулов вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасига ишга ўтди. Лекин бу жойини ҳам кўп қиришди. Юқоридан келган навабдаги курсатмадан сўнг Мўмин Шерқуловни Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ўқув хўжалигида агро-

ном бўлиб ишлагани келди. Шу билан сарсонгарчилик туғарилиб ёки йўқлиги, бир нима дейиш қийин. Афтидан, жумҳуриятнинг илгари раҳбарлари ишлаб туришганда ўзар табиати ва мустаҳкам эътиқоли Шерқуловни тинч қўйишга мажбурларди. Лекин у энди ҳар қандай синовларга тайёр эди. Бу инсон хотирасининг энг чуқур жойларига назар ташлаганда ҳам ўзи ҳеч қачон лавозимга интилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Одамлар унга ўзларини, ўз таъдирларини ишониб топширган пайтлардагина жуда катта масъулият ҳиссини сезарди, холос. Далада катта бўлган, кетмон ушлаб, бригадирликдан район партия ташкилотчи раҳбари, ўша вақтнинг таъбирча, район хўжайини даражасига қўтарилган Шерқулов доимо эришган мавқеи, ейдиган номи ва исонийлик виждони қадр-қимматини эсдан чиқаради.

Қишлоқ аҳолиси уни яхши билар, унга ишонарди.

Шу боис жумҳурият халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш маҳали уни эсдан чиқаришмади. Яқиндаги на биринчи котиб бўлган одамнинг оддий агроном бўлиб ишлайётганига қараб ўтиришмади. Мўмин Шерқуловнинг қадридон дўсти, ўша Самарқанд районидagi Энгельс номи жамоа хўжалигининг таниқли бригадир Т. Қудратов саяловда унга рақиб бўлди. Қудратов ўзи галаба қозонишга ишончи комил эди. Зеро, унинг обрўси ҳам юқори, энг муҳими 20 миңдан зиёд саяловчи ёнида турганди. Шерқуловнинг ҳамқишлоқлари эса ўш мартга кам эди. У кучлар тенг эмаслигини билса ҳам, рақобатга киришди ва галиб чиқди.

Баъзилар бунга ҳайрон бўлишди. Лекин бу ерда ажабланидиган жойи йўқ. Саялов арасида округ аҳолиси олдида сўзга чиқарган Шерқулов ваъдаларини қилиб ўтирмади. Олдидигани қилиб:

— Қишлоқларни яна бир марта кезиб чиқим ва биринчи навбатда қилинадиган ишларни аниқлайдим. Албатта, буларни ёлғиз ўзим эмас, биргаликда бажаришимиз керак — деди.

Одамлар кўз олдларида вояга етган, ўзлари билан турмушнинг барча сўмоқларини бирга босиб ўтган кишининг гапларини тинглаб, у ўз сўзида туринини аниқлади. «Самарқанд» деҳқончилик-саноат комбинати баш директори Рабоб Қодиров ҳам буну тасдиқлади:

— Шерқулов ҳозирги кунда барча ҳам қодир бўлмаган лаёқатга эга. У — су-

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КОТИБИЯТИДА

1991 йил 2—3 август кунлари Москва шаҳрида РСФСР халқ депутатлари съезди «Коммунистлар демократия учун» фракциясининг раҳбарлари таъбир ўтказдилар. Таъбир ташкилотчилари уни Россия коммунистлари демократик партиясининг таъсис конференцияси деб атадилар. Конференция бошлангичдаёқ «КПСС таркибиди» шундай партия тузилганини муҳокама этишга маълум қилинди. Янги партия РСФСР Коммунистик партиясининг қонуний давомчиси бўлиш ниятида эканлиги кўриниб турибди ва у КПСС мулкчилик бир қисмига эгаллик қилиш ҳуқуқи борлигини маълум қилмоқда.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг котибини қўйиладиганлиги айтиши зарур деб ҳисобланди.

Виринчидан, Кейинчалик делегатлар деб аталган конференция қатнашчиларининг таркиби КПСС Уставига эид ўлароқ асосси равишда ташкил топди: уларни на партия округлари, на бошлангич ташкилотлар, на ҳудудий, конференция қатнашчилари орасида КПССга аъзо бўлмаганлар ҳам бор эди.

Иккинчидан, Пайдо бўлган партия Россия Компартиясиндан ва умуман КПССдан жуда фарқ қиладиган янги номга эга ва «партия» ичида партия бўлишдек» вазифани бажаришга даъвогарлик қилаётгандек қўрилади. Аини вақтда КПСС Устави, меъёрий ҳужжатлар ўқаш республика партия ташкилотлари мавжудлиги ва бир вақтнинг ўзидики партияга аъзолик имкониятини истисно қилади.

Учинчидан, КПСС Марказий Комитети партиянинг янги Дастури бўйича умум-партиявий мунозара ўтказиш, навабдан ташқари съезд қақриш тўғрисида қарор қабул қилган, партия бирлигини сақлаб қоллиш вазифаси биринчи ўринга қўйиладиган шароитда янги партиянинг тузилиши КПСС сафларини бўлиб юборишга оқишдан-оқиқ қаратилган уринишдир.

Ўқорида баён этилган фикрлар муносабати билан конференциянинг қарорлари тайинлангандир.

КПСС Марказий Комитетининг котибияти конференция қатнашчиларини, барча коммунистларни, партия янгилашга доир ўз ташаббусларини КПССнинг амалдаги ташкилий тузилишида доирасида рўбағ чикаришга қақради. Партияда рўй бераётган демократик жараёнлар бунинг учун катта имконият очади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг котибияти.

## АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

3 август кунини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде республика аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни ташкил этиш масалалари Марказий Комитет мажлиси бўлди. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамаси вакиллари Қорақалпоғистонда, Республика вилоятларида, Ташкент шаҳрида белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишни ташкил этишнинг аҳоли тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Кўриладиган чора-тадбирларга қарамай, бу масалада жиддий ҳалолар ва камчиликлар борлиги таъкидланди. Бу, айниқса, Ферғона вилоятининг шаҳар ва районларида ҳосилдор. Вилоят ижроия комитети, шаҳар, район ижроия комитетлари ва савдо ташкилотлари раҳбарларининг сусткашлиги, баъзида масъулиятсизлиги ҳамда вилоятдаги партия идоралари назорат эътиборининг етарли эмаслиги таъкидланди.

Комиссия мажлисида «Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлигининг «Ўзқозпогтор» бирлишмаси ва «Ўзқозпогтор» бирлишмаси» концернини ҳосилни яншиштириб олиш сўраётларини кучайтириш, маҳсулот тайёрлаш ишларини яхшилаш мақсади билан аҳолисини ҳама-савдо зевот маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаш борис-

даги ишлари тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур ташкилотлар раҳбарларининг бу масала юзасидан берган ахборотлари мазлумот учун қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлиги билан «Узқичпро» концернини асосий мажлисларда айтиб ўтилган жиддий камчиликларни бартараф этиш юзасидан уларни кўрган чора-тадбирлар ҳамда шу идораларга қарашли корхоналарда маҳсулот номенклатураси ва хилини қайта кўриб чиқиш юзасидан олиб бориладиган ишлар тўғрисидаги ахборотларни назорат тарихисиде тингланди.

Тузатувчи чилангар Владимир Петрович Савченко компрессор заводида салкам 30 йилдан бери ишларда. Меҳнат фахрийси шу йиллар давомида ўнлаб шоғирлар тарбиялади. СУРАТДА: В. Савченко шоғирди Слава Хаймовга ўз иш таърибиси ҳақида сўзлаб бermoқда.

Суракташ Х. ШОДИЕВ.



• Бозор иқтисодиёти ва матбуот

Бозор иқтисодиёти тўғрисида пайдо бўлган қийинчиликлар биринчи бўлиб матбуот даражасида...

нома тасвирлари бўлган район партия қўмитаси бюроси ва район кенгаши раёсати...

Шу йилнинг ўтган орти ойда қарийб 18 минг сўмлик эълон ва билдирувлар босилди...

уй-жой қуриш ҳам кўзда тутилган. Бўлим ходимлари ўзларининг савдо...

Бахтиёр КАРИМОВ. Бу ном ҳурматли муштариларга яхши таниш. Бизнинг доимий муаллифларимиздан...

— Қатор матбуот нашрида урта мактабларда компьютер сабоғини чуқур ўзлаштиришни тарғиб қилу...

— Бу гаплар айни мактабларнинг бугунги янги динишга тегишли...

— Муаммонинг энг долзарбин кўтарилгани. Жумхуриятимизнинг ялписига компьютерлаштириш...

— Сўнги савол. Ўз қангига ҳам қисқача маълумот берсангиз. — Ўзим ҳақимда нима ҳам дердим...

РЎЗНОМАЛАР ЯШАЙ ОЛАДИМИ?

Хўш, бунча маблагни қардан олиш мумкин? Бу билан деярли Пискент шаҳри...

Лектин районга рўнома ҳам керак. Ахир у 1932 йилдан бери босилди...

нинг турли йўллари излай бошладик. Улардан бири билдирув ва эълонларни қўйи...

Иқтисодий жиҳатдан мустақиллик журналистлар меҳнати кенг миқёсда рағбатлантиришга йўл очган.

Биз алоқа бўлимлари билан келишми йилга шартнома тузиш. Алоқачилар бир дона рўномани олувчига...

Барча рўномалар иқтисодий қийинчилигини бошдан кечираётган бир пайтда бошқа шахар ва район рўномалари иккинчи жа...

Тўхташ ҚОСИМОВ. Пискент райони «Меҳнат байроғи» рўномасининг муҳаррири, Журналистлар уюшмаси аъзоси.

қинмасдан сирли ҳодисанинг табиатини буткул ўрганди. Юқори кучлилик...

Маткада анъанавий ўқитиш усулидан секин-аста табақалаштириб, махсус

Кашфиётлар шундай топилган

Галилей замондоши бўлиш голландия кинематографлари...

Шундай қилиб, бундан уч йилдан олдинроқ вақт илгари қомат-лум бўлган газнинг ҳозирги вақтда кўп турли мавжуд...

Дастлаб кўчиб келганларнинг биринчи қаттиқ қишдаёқ ўлиб қирилиб кетган. Шундан кейин у ватанига қайтишга мажбур бўлган.

Истеъдодли немис физик олим Рентген ўзи очган бу кашфиёт — табиатда ҳали маълум бўлмаган янги нурлар ҳақида тез орада маълум бўлди.

А. АЛИЕВ тўлаган.

АМЕРИКА Қўшма Штатлари Президент Ж. Буш ратификация қилиш учун Америка конгрессига янги Совет-Америка савдо шартномасини йўлагани...

ЭРОН раҳбарияти Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши аъзоларига Эрон-Ироқ урушида қўрилган зарарларни қўриқ...

АЛБАНИЯДА иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакатни ташлаб чиқиб кетган фуқаролар учун афвия эълон қилинди.

ГИТЛЕРЧИЛАРИНИНГ Польша еридан энг машҳур концлагерларидан бири бўлган — Освенцимда Бельгия, Германия, Исроил, Польша, АҚШ ҳамда Франциядан келган дўшлар катта хотира анжуманини ўтказдилар.



ХОРИЖДАҶАВАРАПД. АМЕРИКА Қўшма Штатлари Президент Ж. Буш ратификация қилиш учун Америка конгрессига янги Совет-Америка савдо шартномасини йўлагани...

• Шу ҳам инсофданми?! АЗАДОРНИНГ ҚОЗОНИГА ЧАНГ СОЛИБ...

ҲОЗИР халқнинг турмуши қанақалини ҳаммага маълум. Барча мақсулотларга, молларга нархларнинг бир неча баравар ошди...

ланди. У матоҳларнинг ўзи фалон пул турса-ю, яна уни яшириб қўйилганига кулсизми, кулсизми... Дўкон мудири И. Чўгайнинг бу қилмишлари боисини «таҳлил» қилиш учун текшириш материаллари район ички ишлар бўлимига жўнатилди.

нингдек, райондаги ана шу 17-дўконнинг ўзини текширилганида анча-мунча озмиқ-овнат мақсулотлари пештахта соясига қолди кетганини кўрдик. Мудир Л. Тимохина буларнинг барчаси учун қонун олдида жавоб беради.

ти бошқармасининг бошлиғи Иванян эса гўё бу камчилиги қаллобликларни кўрмаётгандек пинагини бузмайди. Харидор ҳақида ҳиёнат қилиш, камбел молларни яшириб сотиш каби савдо қондаларини қўпол равишда бузиш тўғрисида ҳар йили ўнлаб фактлар фож яйтилади, лекин Иванян ҳайфсан, оғоҳлантиришлар билан қондаларларнинг бодини сийлашдан нарина ўтмайпти.

Оҳангарон район матлубот жамиятига Эткир Ҳайдаров раҳбарлик қилаётганига ярим йил бўлган йў. Лекин шу исқа вақтинчи ичиди район савдосида тартиб-иттизом кескин ёмонлашганини кўга ташлашмади. Савдо ходимлари ҳатто азадорнинг қозонига ҳам кўз олайтириш даражаси бериб етидилар. Райондаги «Октябрь» қишлоқ матлубот жамиятига қарашли магазин мудири Убайдуллаевага жигаристонлик жаборидиларга савдо хизмати кўрсатиш топширилган эди.

7 март кун «Мебель» дўкони директори Э. Этамбердиев район матлубот жамиятининг расиси У. Ҳайдаровнинг кўрсатмаси билан биринчи тижорат дўнони мудири И. Чўгайдан 9920 сўмлик ва 8 март кун яна 5500 сўмлик чет эл молларини олади. Атир, сочин, бошқа пардоз буюмлари қимларгадир совога керак бўлганлариди. Лекин бунинг учун савдо қондаларини толташ шартми? Эргаш молларнинг пулини И. Чўгайга келтириб беради, лекин у бунақа гирром ишга қўл уршидан бош тортиб, пулни олмайд.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ. Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси БХС бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.

ЖАНУБИЙ Корея жумҳурияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотиغا ўзини аъзоликка қабул қилиш тўғрисида ариза берди. Шу йил бошда КХДЖ ҳам шундай ариза билан БМТга мурожаат этган эди.

ФИЛИППИН президенти Корасон Акино собиқ президент Фердинанд Маркоснинг беаси — Имелда Маркос ҳамда унинг яқинларининг мамлакатга қайтиб келишлари мумкинлиги тўғрисидаги фармонга имзо қилди. Президент фармонда улар мамлакатга қайтиб келган захотнеқ Фердинанд Маркос оиласи қилган жиноятлар учун олд Филиппин суди олдида жавоб берадилар, дейилади.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ТАШКИЛОТИДА

Тошкент журналистлар ташкилоти бошқаруви котибият кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Бир қатор ижодий-ташқиллий масалалар муҳокама қилинди.

ИБРАТЛИ ИШЛАР МАЪҚУЛЛАДИ

Котибият кенгаши Чиноз райони «Ленин байроғи» рўзномаси саҳифаларида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимдонлигини ошириш муаммоларининг ёритилиши билан боғлиқ масалани муҳокама қилди. Шу рўзнома бошланғич журналистлар ташкилотининг котиби Х. Сулаймоновнинг ҳисоботи тинланди. Котибият кенгаши «Ленин байроғи» рўзномаси ижодий жамоаси қайта қуришнинг ҳозирги сарира ва мураккаб шароитда фуқароларнинг ҳуқуқий билимдонлигини оширишга алоҳида эътибор бераётганлиги, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш муаммоларининг бир мунча кенг ва изчил ёритилганлигини қайд этди. «Ленин байроғи» рўзномаси саҳифаларида адлия, прокуратура, милиция ва суд идораларининг ходимлари мақолаларига муҳим

ўрин берилмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокида давра суҳбатлари, савол-жавоб нечалари, журналист ва ишчи-деҳқон муҳбирлари учун урғунсулар ўтказиш анъанавий тус олди. Бунинг натижасида рўзнома саҳифаларида «Қонунчилик», «Суддан аввалги суҳбат», «Текнижўрға шафқат йўли», «Тунги репортаж», «Д.АИ хабар қилади» сингари рубриклар муҳим ўрин олди. Муштарийларда «Инсон ва қонун» анъанавий саҳифа материаллари алоҳида қизиқини уйғотмоқда. Котибият кенгаши «Ленин байроғи» рўзномаси ижодий жамоасининг ибратли ишларини маъқуллаб, район, шаҳар ва вилоят маърузот нашрлари саҳифаларида ҳуқуқий билимларнинг тарғиб қилиниши янада аълолаштиришга қаратилган қарор қабул қилди.

ИЖОДИЙ ГУРУХЛАР ИШ БОШЛАДИ

Тошкент журналистлар ташкилоти ҳузурда бир қатор ижодий бўлимлар ва гуруҳларни қайта тузиш масаласи муҳокама қилинди. Шаҳар ва ноҳия рўзномалари, корхона ва муассасаларнинг вақтлий нашрлари ходимлари билан ишлаш гуруҳлари янги тартибда тасдиқланди. Уларнинг фаолият режалари

кўриб чиқилиб, маъқулланди. Нашриётлар ходимлари билан иш олиб борувчи ижодий гуруҳ тузишга қарор қилинди. Тил ва таржима масалалари билан шуғулланувчи гуруҳнинг таркиби тўлдирилди. Унда жумҳурият матбуот нашрлари, ахборот агентлигининг тажрибали ижодкорлари иш олиб борадилар.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ

Ижодий меҳнат аҳлини тегишли техникавий воситалар билан қуроллантиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Шу муносабат билан котибият кенгаши журналистларга диктофон ажратиш масаласини кўриб чиқди. «Халқ сўзи», «Правда Востока», «Ҳақиқати Ўзбекистон» рўзномалари, Ўзбекистон ахборот агент-

лиги, бир қатор шаҳар ва район рўзномалари ижодкорлари эндиликда ихчам, кўлай, зиг муҳими ниҳоятда фойдалани ижодий иш қуролига эга бўдилар. Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг фонди ана шу техника воситаларини етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилмоқда.

АЪЗОЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

СССР Журналистлар уюшмаси саҳифа навбатдаги қабул ўтказилди. Янги аъзолар орасида Ўзбекистон радиоси ижодкорларидан Оқила Исроилова, Аҳмаджон Бузруков, «Янгиёул» рўзномаси ходими Қўчқор

Жумакулов, Коммунистик район «Суръат» рўзномаси муҳаррирининг ўринбосари Иноғом Холтурсунов, «Харидоси» ижодкорларидан Оқила Исроилова, Аҳмаджон Бузруков, «Янгиёул» рўзномаси ходими Қўчқор

ЎЗБЕКИСТОН «Билим» жамияти, Абдулла Қодирий жағфармаси ва Рассомлар уюшмасининг ташаббуси билан жумҳурият Билимлар уйда истеъдодли мусаввир Алишер Мирзаевнинг Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишланган расмлари кўргазмаси очилди.



ЁЗУВЧИГА МУҲАББАТ РАМЗИ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙГА БАҒИШЛАНГАН РАСМЛАР

Мусаввир 1972 йилдан бошлаб жумҳурият, Иттифоқ ва хорижий мамлакатларда ижодий сафарда бўлиб, бу ўлкаларда яшовчи халқларнинг турмуш тарзини ифода қилувчи қатор расмлар ҳам ишлади. Эндиликда асарлари Италия, Франция, Чехословакия, Бугорния, Руминия, Люксембург, АҚШ, Испания, Мексика, Югославия, Сурия, Мўғулистон ва Германияда намойиш этилганлиги мусаввир ўз истеъдоди ва бой тажрибаси билан ижодий қамолот сари дадил интилаётганидан далолат беради.

Алишер Мирзаевнинг Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишлаб қаламда чизилган суратларида ҳам мусаввирнинг сўз санъаткорига бўлган улкан меҳр-муҳаббати, мушоҳада оламининг гоят кенглиги, миллий урф-одат ва қадриятларининг гоят ноқил ҳис этиши, ўзбек романчилиги мактабининг асосини маънавий оламнинг чуқур ўрганиши сезилиб турилади. Айниқса, «Кумуш ва Зайнаб», «Оттаб қабристонда», «Фузулий — яхши китоб», «Унутмайсизми?», «Сиз ю-

чоқсиз», «Мутула», «Қора кунлар шарпаси», «Тақдир эшиги» сингари тасвирий лавҳалардан ёзувчи қаҳрамонларнинг маънавий-руҳий кечинмалари тўғрисида гоят бой тасаввур оламининг.



Кўргазманинг тантанали очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, СССР халқ артисти Экир Муҳаммаджонов, Абдулла Қодирийнинг ўғли — Масъуд Абдуллаев, жумҳурият «Билим» жамияти бошқарувининг раиси С. Қурбонов ва бошқалар Алишер Мирзаев яратган туркум асарлар маданий ҳаётимизда муҳим воқеа эканлиги, бу расмларда ёзувчи ва мусаввир истеъдоди бир-бири билан ўғунлашиб кетганлигини қайд этдилар. Маъмур кўргазма билан танишар эканмиз, ўзбек халқи маданияти ва адабиётида Абдулла Қодирий яратган асарлар фақуллода ноёб ҳодиса эканлиги, биз бу даҳо ёзувчининг истеъдодини энди энди чуқурроқ тушунишга ҳаракат қилаётганимизни ҳис этишимиз. Қолаверса, Алишер Мирзаевнинг бу туркум асарлари бизни улғур ота-боболаримизнинг эзгу ишларини ҳаммиса ёдга олиш, ҳаётда гўзаллик, адолат, меҳр-муҳаббат, садоқат ва оқибат устивор бўлиши учун муттасил кураш олиб боришга даъват этди.

Р. ҒАНИЕВ.

СУРАТЛАРДА: рассом Алишер Мирзаев оила аъзолари билан; томошабиларда кўргазмага қизиқиш катта. Суратнаш В. Тўраев.

«ҚАМАЛНИ ЁРИБ ЎТГАНЛАР» МУЗЕЙИ

Ииллар ўтган сайн Улуғ Ватан уруши фахрийлари сони камайиб бормоқда. Баъзида ташвишланасан, киши. Фахрийлар орамизда камайишлари билан бирга уруш ҳақидаги хотиралар ҳам сўниб бормасинан? Уларни фараздларимизга, келгуси авлодларга қолдириш учун нима қилиш керак?

Улуғ Ватан уруши фахрийси 70 ёшли Баширла ака Раҳматиллаев бу саволга жавоб топиб қўйганда ўхшайди. У мактабларда ўқувчилар билан учрашувлар ташкил қилиб, уларга уруш ҳақида қизиқ қилиб беради, ёш авлоднинг қардошлик, тинчликни қадрлашга чақиради. Келажак авлодга ёднома сифатида қолдириш учун ўзининг

қўрган-кечирганлари, эшитган-билганлари тўғрисида «Хотира китоби» ёзиб бормоқда. Яқин кунларда Баширла ака 50 йил давомида тўплаган материаллари асосида ўз уйда шахсий музей ташкил қилмоқчи.

Булар сиздан миннатдор

БАРАКА ТОПИГ

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, I-гуруҳ ногирониман. Кенсалик сабабми, яқинда хасталаниб қолдим. «Тез ёрдам» машинасида шаҳардаги ҳарбий госпиталга олиб келишди. Асаб насалликлари бўлими шифокори Озодажон Илсоева ҳолатимни синчиқлаб ўрганди ва зудлик билан муолажа бошлади. Тез кунда ўзимни яна тетик ҳис қила бошладим.

Кўпинча инсонга икки оғиз илдиқ сўз, унга қўрсатилган эътибор ҳар қандай дори-дармон ўрнини босар экан. Бу борада бўлим бошлиғи Раҳимжон Ғаниев, госпитал бош шифокори муовини вазифини бажа-

бери. Шу йиллар мобайнида кўплаб шогирдлар етиштирдим. Ўз билими ва меҳнат тажрибасини ёшларга ўргатдим.

СУРАТДА: Баширла Раҳматиллаев (ўрта) қурлоқ дўстлари Саидхал Аббаров ва Қўдратилла Раҳматиллаевлар билан.



Тошкент ҳақиқати БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32. Мухаррир урнбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334908, 325353; масъул котиб урнбосарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325847; сановат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий кенгашлар ҳаёти — 325733; иттиҳомий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325845; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эъловлар бўлими — 325727.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА 7 АВГУСТ СОАТ 19.00 ДА КУЛГИ ВА ШОДЛИК КЕЧАСИ

Ўзбекистон ССР Садо вазирлигининг ЖУМҲУРИЯТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Ўқиб 1991 йил 1 сентябрдан бошланади. Садо билим юрти қўраи малакали «Сотувчи» ва «Назоратчи-кассир»ларни икки йўналишда тайёрлайди.

Баққолик, қандолатчилик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сўт маҳсулотлари бўйича; газлама, тикув бюумлари, поабзал, трикотаж, атторлик, атир-упа-элик, маданий-маиший ва хўжалик моллари. Билим юртига Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилувчи, 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

ПУЛЛИК КУРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ — Нооқиб-овқат (сановат товарлари) сотувчиси ва ҳисоби-текширувчилар. Ўқиб муддати — 3 ой, 6 ой. — Оқиб-овқат моллари сотувчиси ва ҳисоби-текширувчилар. Ўқиб муддати — 3 ой, 6 ой. — қандолатчилик ва ошпазлик. Ўқиб муддати — 4 ой, 11 ой. — Муқаймоқ ишлаб чиқариш. Ўқиб муддати — 6 ой, 3 ой. — Садо автоматларини тузатиш. Ўқиб муддати — 8 ой. — Ҳисоби-бухгалтерлар. Ўқиб муддати — 1 ой. — Безакчи-декораторлар. Ўқиб муддати — 2 йил. Курсларни битирганларга гувоҳнома ва дипломлар берилади. Шуниингдек билим юрти қўйидаги ихтисосликлар бўйича ҚЎШИМЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

муз қаймоқ ишлаб чиқариш: Ўқиб муддати 6 ой, 3 ой. безакчи декораторлар: Ўқиб муддати 2 йил. Курсларни битирганларга гувоҳнома ва дипломлар берилади. Машғулотлар гуруҳлар тўплангандан сўнг бошланади. Кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топиридилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан маълумотнома, тарихим ҳол, 086У шаклидаги тибий маълумотнома, 3х4 см катталлиқдаги 5 донга фотосурат, вилоят ёки район садо бошқармасидан йўлланма, ихтиёрий пуллик курсларга кирувчилар нақд пул билан ҳужжат топиридилар. Қўйидаги маънавият мурожаат қилиниси: 700173. Тошкент шаҳри, Акмал Исрофов ноҳияси, Собир Юсуфов кўчаси, 3-ўй (13, 70,116 «э»), 45-маршрут таксиларнинг «Тез ёрдам клиникиси» бекати. Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

Агар Сиз Ўрта Осиёдаги энг йилрик корхоналардан бири бўлиши Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирикмасида меҳнат қилмоқчи ва машинасозлик олий билимгоҳида таълим олимоқчи бўлсангиз 8-ТАЖРИБАВИЙ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ! Бу ерда Сиз учин аппаратларини йиғувчи-чилангар, механика-йиғув ишлари чилангар, сановат ускуналарини таъмирловчи чилангар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастохларнинг оператори, токар, фрезерчи, кенг қамровли дастохчи насбдорини эгаллаб чиқаришигиз мумкин. Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. 9-СИНФЛАРНИ БИТИРУВЧИЛАР ТАЖРИБА ГУРУҲИДА ЎҚИДИЛАР ВА 2 ЙИЛ ДАВОМИДА ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАМДА КАСБ ЭГАСИ БУЛАДИЛАР. Бир йиллик гуруҳлардаги 9-синф битирувчилари ишчи малакасини эгаллайдилар. 11-синфин битирувчилар ойна\*115—150 сўм миқдорда стипендия олиб ўқийдилар ва 6 ой давомида касб эгаллаб чиқайдилар. Ўқиб даврида ўқувчилар овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Улар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирикмасига қарашли пансионат ва профилакторийда дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашлари мумкин. Ўқиб вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини «аъло» баҳола билан битирганлар машинасозлик олий билимгоҳига ўқишга юбориладилар. Совет Армияси сафарларида хизмат қилиб қайтган бошқа шахарлик ўқувчиларга ётоқхонадан жой берилади. Билим юртига қўйидагича борилади: 10, 23, 27-трамвайлар; 18, 48, 97-автобуслар; 1, 10, 14, 18, 24-троллейбусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати. Маъналияси: 700128. Усмон Юсуфов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 10-ўй. Телефонлар: 41-57-54.